



2006 йил 31 августдан  
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

# ЖАМИЯТ

№ 22 (798)  
2022 йил  
16 июнь,  
Пайшанба



www.bong.uz

@jamiyatgzt@mail.ru



t.me/bonguz1



## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДАГИ тамағирлик

Баъзан бош кўтармоқчи бўлсангиз, шундай кўллар оёғингизни чирмаб, бошингизни эгиб кўядики, ноиложликдан “айбингиз”ни тан олишга мажбур бўласиз. Коррупцияга қарши курашни томошабин сифатида кузатишни ёқтирамыз ва кузатишимиздан хулосамиз шундай бўлади: “...ни фалон минг доллар билан кўлга туширишибди”. Холбуки, бундай ҳолат юз бермаслиги мумкин эди. Фақат сиз ва биз томошабин бўлиб турмасак...




**ёхуда**

**қачонгача  
томошабин  
бўламиз?**

**ТАҚДИРДОШЛИК  
ҲИССИ, ЭЗГУ  
МАҚСАДЛАР КУЧИ**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
аъзоси, ёзувчи  
Маъмура ЗОҲИДОВА билан суҳбат.



— Маъмура опа, аввало, суҳбатимизга розилик билдирганингиз учун раҳмат.

Бир китобда ўқиганим бор, одамзод ниманики ўзига яқин олса, шунга тақ-

дирдошлик ҳиссини туяр экан. Киши доимо дўсту яқини, аҳли оиласи ва юртдошларининг қувончу қайғусига шерик яшайди. Бу гаплардан муддао нима? Инсон қачон “табiiй боғлиқлик ришталари”дан юксалиб, барчага баробар “боғлиқлик риштаси”ни ярата олса, у чинакам комил инсонга айланар экан. Сизни бир неча йилдан бери кузатаман – ушбу жараёни аллақачон босиб ўтгансиз. Яъни ёш ижодкорларни мақсад сари интилганида эришиши мумкин бўлган билимларни эгаллаши учун кўлингиздан келган барча ишларни қиялсиз. Мулозаматга йўйманг-у, ижод йўлида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вакили сифатида кўлловчи, маёқ ёқувчи, мақсад сари бошловчисиз.

(Давоми 3-бетда)

**НОЧОРЛИКНИ НИҚОБ  
ҚИЛГАНЛАР**

**БОЙ БЎЛИШНИ  
КИМ  
ХОҲЛАМАЙДИ?**







## СИФАТГА КИМ ЖАВОБ

Сўнги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш, давлат органлари ва улар ўртасида ижтимоий шерикликни кучайтириш, таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек, ушбу соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида изчил ишлар олиб борилди, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий салоҳиятини ошириш йўлида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Охириги тўрт йилда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг 1 270 дан ортиқ лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат бюджетидан 117 миллиард сўм миқдордаги маблағлар ажратилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий кафолатларини таъминлайдиган, замонавий демократик талабларга ва халқаро стандартларга жавоб берадиган норматив-ҳуқуқий база янада такомиллаштирилди. Бунинг натижасида 20 га яқин Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Ҳукуматнинг қарорлари қабул қилинди.

Хусусан, республикамизда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирокчи ва ҳамкор сифатида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини мустаҳкамлаш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш ҳамда уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил

3 март куни “Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори, 2021 йил 4 март куни “2021 - 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармонлари қабул қилинди.

Бугунги кунда Сирдарё вилоятида 460 та нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Мазкур нодавлат нотижорат ташкилотлари вилоятимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини, демократик кадрларни ҳимоя қилиш, аҳолининг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимизда эълон қилинадиган йилга оид давлат дастурида иштирок этаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Улар нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан давлат органлари билан ҳам-

корликда ўтказилаётган ижтимоий фойдали тадбирлар сони ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси Сирдарё вилояти бўлими “Нодавлат нотижорат ташкилотларини молиявий, ахборот, маслаҳат, услубий ва бошқа шаклда қўллаб-қувватловчи нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантириш”, Таянч истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамоат бирлашмаси “Инсон манфаатлари ва аҳоли ижтимоий ҳимояда”, Ўзбекистон Карате-до федерацияси Сирдарё вилояти бўлими “Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш масалаларида ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш”, Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти Сирдарё вилоят бўлими “Янги Ўзбекистон - мактаб остонасидан, таълим тарбия тизимидан бошланади” деган гоя асосида ёш авлодни жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар ёшлар бўлиб улғайишига кўмаклашиш”, Ўзбекистон ногиронлар жамияти Ховос тумани бўлими “Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, аёллар ва ногиронлар бандлигини таъминлаш” йўналишларида давлат гранти лойиҳаларини амалга ошириб келишмоқда.

Ҳар бир давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаоли-

ятида фуқаролар ташаббуси билан ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари сони (жами жамоатчилик кенгашлари таркибларига киритилган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари сони (кенгашлар, комиссиялар ва бошқа идоралараро тузилмаларда нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари сони (кенгашлар, комиссиялар ва бошқа идоралараро тузилмалар таркибига нисбатан) 26 тага кўпайди.

Сирдарё вилоятида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан юқори турувчи ташкилотларга қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларини бериб келишмоқда, қолаверса, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳаётига оид энг муҳим масалаларни муҳокама қилиш мақсадида доимий асосда Очиқ мулоқот, Жамоатчилик фикри, Юзма-юзкаби махсус телекўрсатувлар Сирдарё вилоят телерадиокомпаниясида эфирга узатиб келинмоқда.

Сарвар МАМАНОВ,  
Фаррух ФАХРИДДИНОВ,  
Ўзбекистон ННТ миллий  
ассоциацияси мутахассислари

Касбим — фахрим

## СЕВИМЛИ КАСБНИ ТАНЛАШ ХОСИЯТИ

Буюк ёзувчилардан бири шундай деган экан: “Ҳаётда сиз учун энг сеvimли бўлган касбни танланг ва сиз бир умр ишга бормайсиз”. Агар киши ўз севган касбида ишлаётган бўлса, у ҳеч қачон ҳар эрталаб ўзини ишга кетяпман деб ҳисобламайди.

Ўз севган касби билан шугулланиш кишига завқ, хурсандчилик, шижоат, рағбат ҳамда маънавий озуқа беради. Инчунин, сеvimли касбни танлаш хосияти ҳам ўзгача. Қашқадарё вилоятида ҳам ўз касбини фахрим деб биладиган шижоатли инсонлар кўп. Бунга Қашқадарё архитектура ва қурилиш техникумида бўлиб ўтган “Касбим — фахрим” номли кўрик танловда гувоҳ бўлдик.

Кўтаринки руҳда ташкиллаштирилган танловда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Таълим муассасаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бошқарма бошлиғи А.Қўлдошев, Қашқадарё вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармасининг ўринбосари У.Рахимов,

Шахрисабз тумани ИИБ бошлиғи, Ёшлар ишлари агентлиги, Қурилиш вазирлиги таркибидаги техникум ва коллеж раҳбарлари, вилоятдаги касб-хунар мактаблари, коллеж ва техникум директорлари ҳамда иш берувчи корхона, ташкилот раҳбарлари ҳам иштирок этишди ва қатнашчиларнинг маҳоратини баҳолаб боришди.

— Ёқтирган ишини қилаётган киши вақт қанчалар тез ўтиб кетганлигини сезмай қолади, - дейди тадбир иштирокчиларидан бири. — Касбини севган одам ҳеч қачон бажараётган ишдан чарчамайди. Албатта, бунда инсон ўзи қизиққан соҳада таълим олиб, айнан ушбу соҳада ишлашга ва ўз севган касбида муваффақиятга эришишга ҳаракат қилишдан ҳеч қачон тўхтамаслиги лозим.

Танлов жараёнида иштирокчиларнинг маҳорати ва ўз



касбининг устаси эканига яна бир бор гувоҳ бўлдик. Шунингдек, натижаларга кўра фаол қатнашчилар аниқланиб, “Энг яхши натюрморт композициясини чизиш”, “Энг яхши электр монтаж ишлари”, “Энг яхши аёллар миллий кўйлагини бичиш ва тикиш иши” каби йўналишларда тақдирланди.

Бакир ЭЛБОЕВ,  
Қашқадарё архитектура ва қурилиш  
техникуми директори



## БИРИНЧИ МАҚОЛА

(Давоми. Бошланиши  
1-саҳифада)

**Хўш, Маъмура Зоҳидова ва сиз тенги умидли ёзувчиларимизнинг мана шу даражага эришганига қадар қўлловчи, маёқ ёқувчи, мақсади сари бошловчилар ким бўлган? Ва бу йўлда доимо янгилик қилиш учун нимадан куч оласиз? Сўзимиз аввалида шу хусусдаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

— Ҳа, тақдирдошлик борасида яхши эслатдингиз. Бутун замин одамларининг тақдири бир экани, дунёнинг қайси бир четида очидан ўлаётган болакай учун (холбуки очдан, курулдан, таҳдиддан ва бошқа сабаблардан ўлаётганлар жуда кўп) Ер юзидаги ҳар бир одам жон куйдириши лозимлигини ҳаммамиз ҳам биламиз. Ахир бу заминнинг бағридан юлқиниб чиқиб кетолмаймиз. Тирикчилигимиз, борлигимиз унинг бўйнида. Унга қайғуриш — онага қайғуриш. Яъни дунёда тинчлик бўлиши, яхшилик ва эзгулик устун келишига унда яшаётган барча инсон бирдек масъул. Қаердадир одамларга талафот етса, “бизда бундай воқеа юз бермайди”, деб лоқайд бўлолмаймиз. Очлар ва қурғоқчиликда қолган, тарашадек қотган одамларнинг сурагини кўрганда неча ойлаб кўз ўнгимиздан кетказолмаймиз, қалбимиз изтироб чекади, йиғлайди.

Умуминсоният ҳаётининг фаровонлиги учун катта кашфиётлар, улкан лойиҳаларни амалга ошираётган одамлар қалбини ана шу сиз айтган “табиий боғлиқлик риштаси” юксалтиргани ва ҳаракатларини тезлатгани аниқ. Бундай инсонлар тобора кўпайса, Ер юзида тинчлик ва фаровонлик янада мустаҳкам бўларди. Биз ҳам, эҳтимол, инсониятга дахлдор жуда улкан лойиҳаларни ўртага ташлолмасмиз, лекин ўз вазифамиз доирасида яхши ташаббуслар бошлашга, ёш ижодкорларни бирлаштиришга, ижодини қўллаб-қувватлашга, улар учун ижод майдон яратишга уриняпмиз. Имкон қадар бунинг уддасидан чиқяпмиз. Ёшларнинг энг яхши ижод намуналарини китобхонларга етказиш, ижодкор ва китобхонни яқинлаштириш йўлида бор имкониятларни ишга солишга интиляпмиз. Аммо ижодкорга маёқ бўла олиш — бу жуда мушкул. Адабиёт соҳасидаги истеъодларни юзага чиқариш имкониятлари катта. Ёшлар ўзларини намоеън қилишлари учун матбуот нашрлари, ижтимоий тармоқ майдонлари ҳам бор.

Бирданига бир нечта савол беряпсиз. Шундай экан, ўзимга келадиган бўлсам, албатта, дунё ва ўзбек адабиёти, қолаверса, аждоқларимдан мерос руҳият менга қувват беради, деб ўйлайман. Янгилик қилиш учун эса кучни, шубҳасиз, ёшларнинг ўзидан оламан. Тўғриси, ҳали жуда катта янгиликлар қилиш ниятларим бор. Лекин “даражага эришиш” деган сўз кўплар қатори, менга ҳам маъқул эмас. Ҳали ҳеч бир дара-

жага етмадим деб ўйлайман. Адабиётимизга ҳам ижод, ҳам меҳнат билан ҳисса қўшишдан эса умидим улкан. Умид ва мақсадларсиз нимага ҳам эришиб бўлсин. Бугун жамоамиз билан бирга қандай ишларни амалга ошираётган бўлсак, бизга тақдирдошлик ҳисси ва эзгу мақсадлар куч бермоқда.

— **Иқтидорсиз бола бўлмайди. Яратган эгам ҳар бир банд имконига бошқаларникидан кам бўлмаган қувват захирасини бер-**

## ТАҚДИРДОШЛИК ҲИССИ, ЭЗГУ МАҚСАДЛАР КУЧИ

**ган. Фақат бу иқтидор ва қувватни ўз ўрнида илғаб юзага чиқишига илҳомлантирувчи, унга куч ва шароит туғдирувчи яхлитизим керак. Хабаримиз бор, ҳозирда Ёзувчилар уюшмасида ҳар соҳадаги ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, миллат ёшларининг иқтидорини намойиш этиши ва юзага чиқишига доир турли мақсадли ишларга бош-қош бўлмоқда. Ушбу лойиҳаларнинг ёш ижодкорларни кашф қилишдаги аҳамияти қай даражада?**

— Ҳа, бир неча йил аввал “Истеъодсиз бола йўқ”, деган мақола нашр эттирдик. Мактабда, лицейда ишлаган йилларим, айрим касбдошларимнинг педагогика, яъни “бола етаклаш”даги хатоларини кўриб ранжир эдим. Улар фақат аълочи ва одобли болалар билан ишлашар, ўқимаётган болаларга, уларнинг Яратган берган иқтидоридан фойдаланиб, алоҳида топшириб бериб, бажаргани учун оғзакими, бошқами рағбатлантириш ўрнига, фақат тинчлантириб дарсада олиб ўтиришга уринишарди. Мақтаниш бўлса ҳам айтаман. Ўқитувчилик фаолиятим йилларида ўқувчиларнинг алоҳида ҳурматини қозонганман. Бу унчалик қийин эмас. шундай тажрибали ва тадбирли устозлар бор. Аммо кўп эмаслиги оғриқли. Ҳар бир боладаги иқтидорни сезиш — биз катталар — ота-оналар ва ўқитувчиларнинг вазифаси. Аммо буни уदдалолмаймиз. Уларни бир хил ҳолатда, бир хил фанларни бир хил даражада ўқишга мажбурлаймиз.

Ёзувчилар уюшмаси, хусусан, ёш ижодкорлар билан ишлаш бўлимига келсак, унда ишлаш қанча мураккаб бўлса, шунча завқли. Чунки тўғарака ҳам, танловга ҳам, шеър кечаларига ҳам ҳеч ким мажбур бўлиб келмайди. Ёшларнинг барчаси ўз ижоди ортидан келади бу ерга. Давраларда бир-бирини яхши англайдиган, бир-бирларини ҳис қиладиган ёшлар йиғилишади. Энг яхши ижод қиладиган замондошларига ҳам баҳони ўз-

лари — кўнгилларида беришади. Лойиҳалар кўп. Ҳар йили 20-25 нафар ёш ижодкорнинг турли йўналишдаги ижоди “Биринчи китобим” лойиҳасида 10 минг нусхада чоп этилади. Бу 20-25 нафар ёшни саралаб олиш учун эса Республика ёш ижодкорларининг Зомин семинарини ўтказиш етарли бўлмайди. Юзлаб ёшлар ижоди билан тўлиқ танишишга, энг яхши деб топилганларини яна ижодий кенгашига беришга, улар билан кенгашишга тўғри келади. Буни мен оддий жара-

ён деб айтолмайман.

Яхши ижод қилиш билан бирга, ижодкор инсонлик шарафига ҳам муносиб бўлиши керак экан. Бу шарафни тутиб қолмаганлардан бошида қайноқ бўлган илҳом ва истеъдод аста-секин узоклашиб кетаркан. Буни бир неча йил давомида кўплар инсонлар мисолида кузатдим. Энг ёмони, ана шу иддаоси баланд, бир неча одамнинг яхши баҳосига ишониб ўзига катта даража белгилаб олганлар қилаётган ишларингизга шубҳа билан ёки писандсиз қарашади. Аммо бу ҳеч нарса эмас. Бир-икки одам деб юзлаб ёшлар ижодини қўллаб-қувватлайдиган лойиҳалардан воз кечиб бўлмайди.

**« Ҳар бир боладаги иқтидорни сезиш — биз катталар — ота-оналар ва ўқитувчиларнинг вазифаси. Аммо буни уддалолмаймиз. Уларни бир хил ҳолатда, бир хил фанларни бир хил даражада ўқишга мажбурлаймиз.**

— Опа, “Бойчечак” номли қиссангиз хусусида устозимиз Зухриддин Исомиддиновнинг бир гапи бор: “Тилимизнинг чин бойлигини мен Маъмура Зоҳидованинг шу асарида кўрдим. Гарчи, бошқа бир қанча адибларнинг асарларида ҳам тил ширали, бой, аммо “Бойчечак” шу нарсани махсус кўрсатиш учун ҳам ёзилгандай...”. Ҳақиқатан ҳам, бу асар кечаги кунимизнинг ҳақиқий ютуғи эди. “Садоқат” номли қиссангиз ҳам ўзига хос. Хўш, бугунги адабиётимиз ютуғи сифатида ўқирманларга тақдим этмоқчи бўлган навбатдаги ижодингиз хусусида қисқача гапириб ўтсангиз.

— Аслида, келгусида ҳали баракали ижод қиламан, деган фикрдаман. Сиз айтган “Бойчечак ҳам, “Садоқат” ҳам бир неча йиллар давомида, 30-35 ёшларим атрофида ёзилган. Айниқса, “Садоқат” — ит тилидан ёзилгани учун жуда содда кўринса-да, мен уни бир неча йиллар эълон қилолмаганман. Мукаммалаштирдим, десам му-

ўзгарган ва мен “хайриятки, битган заҳоти нашр эттирмаганим”, деб қўяман. Буни айтишимнинг боиси, беш-олти йиллар олдиндан иккита ҳажман йирик асарларга қўл урганман. Иккиси ҳам инсоннинг ўз онаси — табиатдан узоклашгани мавзусида. Аммо қачон эълон қилишимни ўзим ҳам билмайман. Токи майдонга ташлагандан сўнг, “эх, шошибман” дегандан кўра, шу яхши, вақти келар, деб ўйлайман. Айни кунларда “Шарқ юлдузи” журнали “Манглайдаги ёзиқ” номли янги қиссани чоп этмоқда. Унда инсон руҳиятидаги қийноқлар, хато ва унинг йўлдоши бўлган жазо ҳақида айтмоқчи бўлганман. Жазо бўлганда ҳам инсоннинг ўз-ўзига жазоси. Ўқувчисини топишидан умидим бардам.

— Сухбатга таёргарлик жараёнида ижодингиз билан таниш адабиётшунос устозларимнинг мулоҳазалари билан қизиқдим. Кўпчилигидан “барча ўринда таъсир табиий ва зўриқишсиз боради. Муаллиф асардаги ҳар бир персонаж тилининг ўзига хос бўлишига эришади”, шунингдек, “қизиқарли ва чигал тақдирли кишилар билан учрашасиз”, деган таърифларни эшитдим. Барчаси ҳақиқат. Ушбу таърифларнинг бевосита гувоҳи бўлганман. Хўш, асарларингиздаги такрорланмас қахрамонлар кимлар? Шунингдек, нега кўп ҳолларда чигал тақдирларни ёритиш ижодингизда етакчилик қилади?

— Билмадим, бу қарашларимиз, ҳаётдан олинган хулосалар ва феъл-атвор билан боғлиқ бўлса керак. Инсон шодлик ва бахт, саломатлик ва хурсандлик, эзгулик ва яхшилик учун дунёга келади. Аммо кўп ҳолларда, ўзи ва ёки атрофидагиларнинг хатоси, каммулоҳазалилиги оқибатида ғам-қайғу ва бахтсизлик, беморлик ва хафачилик, ёзувлик ва ёмонликларга йўликади. Ҳаётга бўлган юксак ишончини йўқотади. Энди унинг умр мазмуни ана шу норасоликларга қарши курашиш ва енгиб ўтишдан иборат бўлиб қолади. Бу ҳоллар жуда оғриқли. Бир адабиётшунос менга: “Бойчечак”даги Турғун образини сиз эмас, бирор эркак ёзувчи яратгани маъқул эди”, деди. Мен унга: “Агар шу асарнинг муаллифини аёл киши деб билмаганингизда, нима дер эдингиз?” дедим. У жимиб қолди. Яъни, ёзувчи бошқалар дардини ўзида ҳис этар экан. У аёлми, эркакми, кексами, гўдакми, фарқсиз. Ҳатто ҳайвон-паррандаларни ҳам чуқур ҳис этиш мумкин. Шунинг учун ижодкор қахрамон изтиробларини, дардларини худди ўзида кечиргандек ёрита олади, деб ўйлайман. Чигал тақдирли одамлар эса орамизда жуда кўп. Уларга ёрдам бергинг келади, дардига шерик бўлиб, мушқулини осон қилгинг, бахт улашгинг келади. Менимча, кўпроқ ана шу истакдан кўплаб санъат асарлари яралса керак.

**Муроджон РАҲМАТОВ**  
суҳбатлашди.



**Орадан ўн, ўттиз, элик йил ўтади. Ўша вақтда авлодлар, келажак Янги Ўзбекистон Учинчи Ренессанси учун ажодларимиз нима қилди, дея сўроққа тутди бизни. Хўш, бунга тайинли жавобимиз борми? Президентимиз илгари сурган Учинчи Ренессанс йўлида недир кори амал қилдикми? Бу хайрли ташаббус фақат баландпарвоз сўзлару ҳужжатларда қолиб кетса, авлодлар олдида, тарих қаршисида не деб жавоб берамиз, ким деган одам бўламиз? Ренессансни амалга оширишга куч-қувватимиз етадими ўзи?**

Бу каби “саркаш” саволлар наинки бизни, балки юрт келажига бефарқ бўлмаган барча фикр аҳлини қийнаётганига имонимиз комил. Зотан, давлатимиз раҳбари ҳар бир ишга, ҳар бир соҳага илм-фан мезонлари асосида ёндашишимиз лозиму лобудлиги, маърифатли жамият барпо этиш ғояси давр талаби экани, илм бобида жидду жаҳд ва муттасил изланишлар билангина мутараккий давлатлар қаторидан жой олишимиз мумкинлиги, тараққийнинг бошқа муқобил йўли йўқ эканини уқтириб келмоқда. Алҳол, бу кундек равшан ҳақиқат эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаётир. Аммо, биз нега ҳали-ҳануз жиммиш? Дунё илмига шу тупроқ, шу замин бешик бўлгани, табаррук зотлардан битмас-туганмас мерос қолганини ёддан чиқардикми?!

Биргина маиший жабҳадан мисол келтирсак. XIX асрнинг 40-йилларида Туронзаминга саёҳатчи, савдогар-тузжор қиёфасида келган, асл мақсади бўлак бўлган ажнабийлар Бухорони кезар экан, одамларнинг оддий, аммо хушбўй либос кийиши, ораста-тоза ҳаёт тарзидан фавқуллода ҳайратга тушади. Кўпчилик “рус ҳаммоми”, “фин ҳаммоми” деб атайдиган поклик масканларининг асл ватани ҳам бизнинг юрт экани, наинки XIX аср, балки ўн аср илгарироқ ҳам бу халқ фавқуллода юксак маданий турмуш тарзига эга бўлганининг далили эмасми бу?

Аждодларимиз бош бўлган икки Ренессанснинг юзага келиш сабабларини ўргансангиз, унда диний ва дунёвий илмларнинг уйғунлик, муштараклик касб этганига гувоҳ бўласиз. Маърифий ислом булоғидан сув ичган аллома боболаримиз илму ирфон боғини гуллатдилар, дунёга устозлик қилди. Дарҳақиқат, ўтмишда юртимиз худудида, жаҳонда ҳукм сурган салтанатларнинг қай бири илму маърифатни қўллаб-қувватлаган бўлса, тараққийёт чўққиларига кўтарилган ва тарихда муносиб из қолдирган. Дейлик, инсоният тараққийотида Бағдод кутубхонасининг хизмати Араб халифалиги тузган маъмуриятдан кўра улканроқдир. Ёхуд Салжукий ҳукмдорларнинг Марвадаги, Маъмун ва Хоразмшоҳларнинг Кўхна Ургандаги, Сомонийларнинг Бухородаги, Ғазнавийларнинг Ғазнидаги, Темурийларнинг Самарқанддаги кутубхоналарида ҳам бебаҳо маънавий хазина жамланган эди. Хоразмшоҳ Маъмун, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абулғози Баҳодирхон сингари ҳукмдорлар айни чоқда етук олим ва мутафаккир бўлганини унутмаслик керак.

Юртимиз тарихи билан боғлиқ икки воқеага диққатингизни қаратамиз. Ғазнавийлар султони Маҳмуд Хоразмшоҳлар заминини эгаллар экан, аввало Беруний, Ибн Сино сингари алломаларни Ғазнига олиб кетишни кўзлайди. Гарчи бу ҳукмдор муаз-

зам Ҳинд заминига зафарли юришлар қилган бўлса-да, илму маърифатсиз у тиклаган салтанат тарих дафтарига битилмаслигини жуда яхши англаган эди.

Ёки соҳибқирон Амир Темур ҳокимиятга келган йилларда рўй берган ҳодисани ёдга олайлик.

Тарихдан маълумки, 1365 йили мўғулларни Самарқанддан ҳайдаб солган сарбадорларни мўғулларга қондош Амир Ҳусайн Кониғилда “меҳмон” қилади. Меҳмондорчиликнинг эртасига сарбадорларнинг 3 раҳнамоси дорга осилади. Буни қарангки, йўлбошчиларнинг бири хунарманд (гўё аҳли тижорат рамзи), бошқаси оқсоқол (ҳокимият рамзи) ва учинчиси мударрис (маърифат рамзи) эди. Тақдирига шу ўлкани озод ва обод қилиш ёзилган, Лой жангидаги хиёрати сабаб бир жон қарз бўлган Амир Ҳусайн қаршисига шошиб келган Амир Темур сарбадорларларнинг фақат биттаси – мударриснинг жонини сақлаб қолишга муяссар бўлади. Тарих тилсимларга бой! Ўшанда тақдир азал гўё кимки маърифатни омон сақласа, элу юрти рўшноликка эришажак дея башорат қилади...

Эсланг, мутаассиблик ботқоғига ботган диндорлару амалдорларнинг иғвоси ила Мирзо Улуғбекка суиқасд қилинади. Ўшанда биргина илмпарвар тождор жонига эмас, балки ўлканинг маърифати, бирлиги, келажига суиқасд қилинган эди!

Айтинг, оламни остин-устун қилган, обод шаҳарларни ғорат қилган, дунёнинг учдан бир қисмини эгаллаган мўғуллардан ланъату қарғишдан ўзга нима қолди?

Тарих – буюк мураббий, дейдилар. Оқиллар мудом ўтмиш воқелигидан тўғри хулоса чиқармоқ пайида бўладилар. Хўш, биз-чи, биз нима истаётимиз, қаён кетаётимиз? Йиллар ўтиб, авлодлар олдида улкан марраларни кўзлаган-у, арзирли мерос қолдира олмаган, орзулари рўёбга чиқмаган ҳаёл кишиси бўлиб қолмайлик! Боболаримиз сингари шарафли тарих яратайлик. Бунинг учун Ойга чиқиш, коинотни забт этиш шарт ҳам эмас.

\*\*\*

Агар биздан Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш учун ишни нимадан бошлаш керак, деб сўрасалар, ҳеч иккиланмай зиёлилар, олимларимизни уйғотишдан бошлаш керак, деб жавоб берган бўлар эдик. Биз гўё пинакка кетганмиз. Мудроқ домидаги одам Ер айланаётгани, Куёш ҳамон шарқдан чиқаётгани, юлдузлар илдам ҳаракатда давом этаётганини сезмайди. Инсон қачонки уйғоқ бўлсагина, атроф-муҳитда содир бўлаётган ўзгаришлар, самовий, арозий эврилишларни идрок этади, унда янги фикрлар, ғоялар туғилади. Бир сўз билан айтганда, уйғоқ инсонгина олдинга интилади. Интилиш эса тараққийёт мезони экани сир эмас.

Олим адашса, олам адашади. Хўш, замонамиз олимлар нега Янги Ўзбекистон, унинг буюк ғояси бўлмиш Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришда жонбозлик кўрсатмаяптилар, нега уларнинг фаоллиги у қадар сезилмаяпти?

10-15 йил олдинги тарихимизни эслайлик. Бутунбошли Фанлар академияси ёпилиб кетишига бир баҳя қолмадими? Талай илмий тадқиқот институтлари фаолиятини тўхтатиб, минглаб олимлар давлат маблағисиз, фақатгина грантлар эвазига яшайдиган ҳолатга тушиб қолмадими? Грант танловида ғолиб деб топилмаса, олимларнинг шўрига шўрва тўкилгани ҳам рост-ку. Олим бўлгунча, савдогарликнинг этагида тутсам бўларкан дея, қанчадан-қанча олимлар илмий фаолиятдан воз кечиб кетгани ҳақиқат-ку. Хўш, нега Ўзбекистон илм-фани оғир синовли кунларни бошдан кечириётган бир пайтда етакчи олимлар ҳара-

ромадлар ҳам қолдирилди. Мухтасар айтганда, олимларга хотиржам илмий тадқиқотлар билан шуғулланиш учун барча шароитлар яратилди. Президент илм-фан аҳлига кўрсатилган юксак эътиборга жавобан биргина жиҳат – у ҳам бўлса давлатимиз тақдирини, келажига бефарқ бўлмасликни кутди.

Хўш, натижа қандай? Президент ишончи оқландими? Илм-фаннинг пешқадам вакиллари билан мақтана оламизми? Дунёга кўз-кўз қилиб кўрсатишга арзигулик профессор-олимларимиз кўпми? Нега ҳалигача Ўзбекистондан Нобель мукофоти совриндорлари чикмади? Коинотни тадқиқ қилиш йўлини ота-боболаримиз инкишоф этган бўлса-да, нега ҳали-ҳануз коинотни забт эта олмадик? Алгебра, математика, физика, кимё, тиббиёт, астрономия каби табиий фундаментал фанлар тамал тошини қўйган ажодларимизга муносиб издошлар тарбиялай билдикми?

## УЧИНЧИ РЕНЕССАНС: УЙҒОНИШ ЭМАС, УЙҒОТИШ ФАЛСАФАСИ

катдан кўра жимликни афзал кўрди? Мамлакат тараққийоти илм-фан ривожини билан ўлчанар экан, нега мавжуд аҳвол ҳақида бонг уришмади, дунёга жар солишмади?!

Ўзбекистон илм-фани шундай оғир кунларни бошидан кечириётган бир пайтда Яратган Эгам юртимиз зиёлилари, олим уфузаларига кўмак берди, қийин аҳволда қолган илм-фанни Ўзи қутқарди. Балки бу сўзларимизни кимдир баландпарвозликка йўяр, аммо кўзи очик инсон бари ҳақиқат эканини тасдиқ этиши аниқ. Шавкат Мирзиёев миллат етакчиси ва илм-фан ҳимоячиси ўлароқ Ўзбекистон тарихида янги даврини бошлаб бериш учун майдонга чиқди. Бу бутун миллат, хусусан, биз каби олимлар узок йиллар кутган ҳодиса эди. Алҳол, Ватанимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш масаласи давлатнинг бош мавзусига айланди. Албатта, янги Ўзбекистонни қуриш мўъжаз уй барпо этиш каби осон кечмайди, унинг залворли машаққату қийинчиликлари бор. Соҳибқирон бобомиз давлат ишини юритишда олим уфузало, мамлакат улуғлари, қайвонилар билан маслаҳатлашгани маълуму машхур. Худди шу каби Шавкат Мирзиёев ҳам 2016 йил 30 декабрь куни юртимиз илм-фан вакиллари билан учрашди. Учрашувдан кўзланган асосий мақсад олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илм-фанни ривожлантириш давлатнинг энг устувор вазифаларидан бири эканини таъкидлашдан иборат эди. Шундай бўлди ҳам. Президент олимларга берган ваъдасини бажарди, тизим тўлиқ давлат томонидан молиялаштиришга ўтказилди, айни чоқда, грантлардан олинадиган қўшимча да-

Соддароқ туюлса-да, бир мисол келтирсак. XIV асрда Амир Темур томонидан Шахрисабзда бунёд этилган ҳаммом атиги бир дона шам билан иситилган экан. Бугунги кунгача бу меъморий жумбоқни нафақат ўзимизнинг олимлар, балки ривожланган давлатлар мутахассислари ҳам тўлиқ еча олгани йўқ. Шу ўринда Соҳибқирон бобомизнинг “Қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган биноларга боқинг!” деган пурмаъно хитоби ёдга келади. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бироқ такрор бўлса-да таъкидлашни истардик: биз ворисийлигини таъминламасак, улуғ ажодларимиз ҳам, келажак авлодларимиз биздан рози бўлиши душвор.

\*\*\*

Кейинги йилларда юртимизда Янги Ўзбекистон ғояси асосида улкан бунёдкорлик ишлари амалга ошириляётганини гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу борада натижалар ҳам узок куттирмади, Президент бошлаган ислохотлар қиска муддатда ўз мевасини бера бошлади. Кўзланган марралар забт этиляётганидан кўнгли кўтарилган халқимиз янада катта натижаларга умид боғлади. Ҳар бир ишга илм ила ёндашиш асосида амалга ошириляётган ислохотлар шаҳарлардан худудларга, худудлардан қишлоқ-махаллаларга кўчди. Давлат бошқарувининг вертикал тизими тўлиқ ишга тушди. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастури доирасида улкан лойиҳалар амалга ошириля бошлади. Олис қишлоқ-махаллаларда истикомат қилаётган аҳолида яшаш иштиёқи ўсди, аҳолининг қайфияти яхшиланди. Статистик рақамлар ўтган 6 йил ичида Ўзбекистонда ўртача умр кўриш 2,3



йилга узайганини кўрсатмоқда. Албатта, буларнинг барчаси чуқур ўйланган ва пухта амалга оширилаётган ислохотлар натижасидир.

Бу орада Янги Ўзбекистонда учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғояси таклиф этилди. Энг муҳими, биринчи ва иккинчи Ренессансга гувоҳ бўлган миллат қалбида учинчи марта ҳам таракқиёт ўзанини жиловлаш, таъбир жоиз кўрилса, тарихни ўз измига солишга мустақкам ишонч илдиз отди.

Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш катта гап. Бу ғоя ўзида улкан мақсадларни мужассам этиши-да аён. Биз ўз мақсадимизни айтдик, дунё аҳли бундан вокиф бўлди. Эндиликда улар қани эплай олишармикан дея кузатмоқда. Майдонга чиққан алп ғалаба учун жонини жабборга бериб ҳаракат қилади. Биз ҳам улугвор мақсад йўлида мағлуб бўлишга ҳаққимиз йўқ. Агар худо кўрсатмасин мағлуб бўлсак, қайта қаддимизни тиклаб олиш имкони берилмаслиги мумкин.

\*\*\*

Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган оддий

лакатлардан малакали мутахассислар жалб қилинганини қайд этиш жоиз. Жаҳон фан олимпиадаларида республикамиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ёшларимиз сафи йил сайин ортиб бораётгани, юртимиз вакиллари тафаккур спорти ҳисобланган шахмат бўйича халқаро мусобақаларда пешқадамликни бермай келаётгани, истеъдодли фарзандларимиз ўз кашфиётлари билан дунёда муносиб эътироф қозонаётгани кўксимизни тоғдек кўтармоқда. Галдаги вазифа – ютуқлар сонини янада ошириш, барқарор сифат ўзгаришларига эришиш. Бу йўлда амалга ошираётган ишларимизни бир лаҳзага бўлса-да сусайтиришга ҳаққимиз йўқ.

\*\*\*

Учинчи Ренессанс пойдеворини курмоқ учун маърифий жамият маконини барпо этиш лозим бўлади. Чунки бу икки тушунча бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бири иккинчиси натижасида шаклланади ва такомиллашиб боради. Агар давлат маърифатли жамият барпо этишга киришса, риво-

Иккинчидан, Ислом цивилизацияси марказининг Бухоро, Урганч, Термиз, Фарғона минтақавий филиалларини очиб зарур. Моддий-техник жиҳатдан кўллаб-қувватланса бас, филиалларни Республика Маънавият ва маърифат марказининг ҳудудий бўлимларида ҳам ташкил этиш мумкин. Марказда диний ва дунёвий олимларни бир жойга жамлаб илмий тадқиқотларни биргаликда олиб борилишига шарт-шароит яратиш лозим. Чунки Биринчи ва Иккинчи Ренессанс алломалари – Хоразмий, Форобий, Фарғоний, Берунийлар нафақат дунёвий олим, балки диний илмларни пухта ўзлаштирган зотлар бўлганидек, Абу Муин Насафий, Имом Бухорий, ат-Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Имом Ғаззолий, Баҳоуддин Нақшбанд, Жалолиддин Румийлар дин пешволаригина эмас, олиму мутафаккир ҳам эдилар.

Шу билан бирга, диний уламоларнинг халқимиз орасида илм аҳлини кўллаб-қувватлашлари, пок қалб ва покиза жисм ила олинган дунёвий илм баракоти хусусида амри маъруф қили-

меросидан атеистик (худосизлик) элементларини “топиш”га зўр бериб ҳаракат қилинган. Кечмиш давр мафкура “дарға”ларини ҳам “тушуниш” мумкин, буюк Беруний даҳрий бўлса, оддий халқни бу пуч ғояга ишонтириш осон кечар эди-да.

Демак, буюк аждодларимиз асарларини асл моҳиятини сақлаган ҳолда, омонатга заррача хиёнат қилмай таржима қилиш муҳим вазифадир. Ана шунда халқимиз маърифатини юксалтириш ишлари ҳам тезлашади.

Бешинчидан, бугунги глобаллашув даврида, мамлакатимизнинг жаҳон микросидаги ўрни ошаётган бир паллада ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, илмий салоҳиятини ошириш мақсадида жаҳон илм-фани ва адабиётининг дурдоналари, замонавий илмий ва бадиий адабиёт намуналарини таржима қилишни такомиллаштириш, Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Ғайбулла ас-Салом, Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Александр Файнберг, Асил Рашидов каби таржима мактабининг пешқадам вакиллари муносиб издошлар тайёрлаш, Иброҳим Ғафуров, Низом Комил, Қодир Мирмуҳаммедов ва бошқа мутаржимларимизнинг анъаналарни давом эттириш учун махсус мактаблар ташкил қилиш даркор. Ушбу мактабларни нашриётлар, олий таълим муассасалари, Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари, Фанлар академияси билан иқтисодий-ҳуқуқий боғлаш чораларини кўриш лозим.

Олтинчидан, халқимизнинг китоб харид қилиши, яъни илм олиши учун моддий имкониятларини ошириш мақсадида интенсив ва экстенсив чора-тадбирларни амалга оширмоғимиз лозим. Хусусан, интенсив чора сифатида илм-маърифат, китоб, маънавият соҳасига бевосита ва билвосита дахлдор бўлган ташкилотларда китоб нашрига бўлган муносабатни тубдан янгилаш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, экстенсив чора сифатида китоб нашри ва савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига доимий солиқ имтиёзлари, субсидиялар ажратиш лозим. Болалар адабиётига оид нашрларни эса солиқлардан буткул озод қилган маъқул.

Нажот – илмда. Буни давлатимиз раҳбари ҳам ҳар бир чиқишида тақрор-тақрор таъкидлаётир. Бизнинг 35 миллиондан ортиқ тилла бошларимиз бор. Айни чоқда, нодир ерости ва ерусти бойликларимиз мавжуд. Лекин ана шу бойликлардан тўғри фойдаланиш, уларни кўпайтириш, ҳаётимизни янада гуллаштириш учун ақл, куч, ирода ва интилиш керак бўлади. Сир эмас, Иккинчи жаҳон урушидан кейин кашшоқлик ва колоқлик гирдобига ботган Европа ва Осиёнинг бугунги кудратли мамлакатлари табиий бойликлари эмас, балки халқининг кучи, билими ва салоҳияти туфайли барча машаққатларни енга олди ва юксак чўққиларни забт этди. Биз ҳам бунга эришиш учун ўзимизни, ҳаёт тарзимизни, қарашларимизни ўзгартирсак, бас!

**Фурқат Жўрақулов,**  
Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари, сиёсий фанлар доктори, доцент



жланиш жараёни жадаллашади. Чунки муҳит шунга мос равишда шаклланса, илғор мақсад ва ғояларга эришиш осон кечади. Биргина мисол: сармоядор бирор ҳудудга маблағ олиб кирмоқчи бўлса, унинг муҳитини ўрғанади, сарфланажак маблағ ўзини оқлайди-ми, шароит муҳофазаланганми, бозор талаби, инфратузилма мавжудми, логистика сиёсати қандай... шу каби масалаларга жавоб излайди. Тегишли талабларга жавоб берса, кўрқмасдан пул тикади ва ўзини ҳам, ҳудудни ҳам бойитади. Жамият ҳам маърифат йўлида бўлар экан, илм-фан ривожланади, мамлакат юксалади. Президентимиз томонидан 2022 йилги Давлат дастурида “Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепцияси ва уни амалга ошириш Миллий дастурини ишлаб чиқиш топшириғи бежиз берилмади. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, бу борада Республика Маънавият ва маърифат марказида ишлар якунланиш арафасида.

Танқид, таҳлил ўз йўлига, аммо мавзу борасида амалий таклифлар муҳим аҳамиятга касб этади. Шунга кўра, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш борасида айрим амалий таклифларни ўртага ташламоқчимиз.

Биринчидан, маърифатли жамият ғоясини кенг ёйишда дастлабки қадам сифатида Ислом цивилизацияси марказида Учинчи Ренессанс билан боғлиқ фаолиятни мувофиқлаштирувчи тизим йўлга қўйилиши лозим. Улкан ғоя-таклифларни мувофиқлаштирувчи ваколатли орган бўлмаса, унинг ижроси қийин кечади.

шлари, буни ёйиш фарзу қарз эканини доимий уқтиришлари, дунёвий олимларни холисан эътироф этиш орқали дин ва дунё илмларининг бир мақсадга биришувчи тез орада ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Учинчидан, IX-XII асрларда ижод қилган алломаларнинг юртимиз ва жаҳон архив, кутубхона, музей ва кўлэмалар фондларидаги илмий мероси каталогини шакллантириш ва унинг асосида нашр қилинган асарларни элакдан ўтказиш лозим. (Биргина Термизийларнинг юздан ортиғи, Бухорийларнинг эллиқдан зиёди, Насафийларнинг юзлаб издошлари шу ном билан ижод қилгани маълум. Афсуски, уларнинг айримларинигина биламиз.)

Тўртинчидан, биринчи Ренессанс даври алломаларининг ҳали дунё юзини кўрмаган, таржима ва нашр қилинмаган манба ва асарларини ўзбек ва бошқа тилларга таржима қилдириш ва чоп қилиш мақсадида алоҳида Фармон ёки Қарор қабул қилиш, унга мувофиқ олим ва таржимонлардан иборат республика ишчи гуруҳини шакллантириб, таржима ва нашр қилиш ишларини бошлаш керак. Сираси, фарзандларимизга буюк алломаларимиз асарларини ўзбек тилида ўқиш ва танишиш имкониятини яратиш керак. Биргина мисол, буюк мутафаккир Абу Райҳон Берунийнинг асарлари 1968-1973 йилларда 5 жилдда таржима қилинган ва чоп этилган. Аммо кўп жилдлик билан таънишар экансиз, коммунистик тузум мафкураси ҳидини туйгандек бўласиз: Берунийдек мутафаккир илмий

ўқитувчининг ойлик маоши 6-9 млн сўмни ташкил қилади, илмий даражага эга қатламнинг маоши 10 млн сўмдан 20 млн сўмгача етади. Айрим олий таълим муассасаларида моддий рағбат бундан ҳам юқори. Фанлар академияси ва унинг таркибидаги тармоқ илмий тадқиқот институтлари, таълим, илм-фан тизимидаги кирувчи вазирлик, идоралар раҳбарлар ва ходимлари ҳам юқори коэффицентли иш ҳақи олмақда. Давлат-ку ижтимоий ҳимоя борасидаги ваъдасини бажармоқда, аммо нега шаштимиз паст, жидду жаҳдимиз етарлича сезилмаяпти? Нега биз ҳам Юртбошимиз қайғурганичаллик қайғурмаймиз? Нега билдирилган ишонччи оқлаш учун масъулият билан ёндашмаймиз? Давлатнинг юқини биргина етакчининг елкасига юклаш тўғрими, адолатданми?! Бундай кайфиятда қачон Учинчи Ренессанс пойдеворини яратамиз? Ишонаверинг, узок эмас, яқин келажакда тарих сўрови бошланади. Хўш, келгуси авлод саволларига жавоб беришга тайёрми?..

Барчамиз шунча қийинчиликлар бўлишига қарамай, юртимизда учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш ишлари бошланганига гувоҳимиз. Бу борада президент, ихтисослашган ва ижод мактабларининг тезкорлик билан бунёд этилгани, бундай таълим масканлари сонининг йилдан йилга ортиб бораётгани, ривожланган мам-



# БОЙ БЎЛИШНИ КИМ ХОҲЛАМАЙДИ?

Биринчи фарзандим туғилган пайт дўстим билан Қўқонда биринчи ва ягона интернет кафе очиб, бир неча ой ўзим администратор бўлиб юргизиб, бир укамизни администраторликка қолдириб, Тошкентга қайтиб келган вақтим эди.

Бу ерда бекор юрмаслик учун иш қидира бошладим. Ўша пайтларда “Частный сектор”, “Ташкентская Неделя” деган эълон газеталари бўларди. Газетада эълон бериш бизнеси ўзига хос қизиқ бизнес эди. Бу ҳақда бирор кун айтиб берарман.

Хуллас, газетадан иш эълонларини қарадим. “Офисда иш” деган эълонлардан бирига кўнғироқ қилдим. “Офисда ишлаш сизга ёқадими? Ёқса, фалон куни фалон соатда фалон жойга келинг. Фалончи орқали келдим деб айтинг”, деди бир аёл.

Айтилган кун айрилган вақтда айрилган жойга бордим. Анча одам йиғилган экан. Навбат билан чақира бошладим. Навбатим келганда кирдим, мен билан гаплашган одамни топдим. Нима ишлигини сўрасам “Гербалайф” деди. Ҳафсалам пир бўлди. Чунки ўша пайтларда Гербалайф қонуний таъкибдан қочиб, кўп марталаб номини ўзгартириб (худди ҳозирги Beverlee номини Beleeever га алиштиргани каби) юрган ва тармоқли маркетинглиги маълум бўлиб улгурган компания эди.

Кайфиятим тушиб кетганини кўрган опа Гербалайф ҳақидаги гапларнинг ҳаммаси бўхтонлигини айтиб, компания презентациясини кўриш учун сал наридаги каттароқ залга таклиф қилди. Залга кириш пулли экан. Ишга кирса-кирмаса, келганлардан пул олиб қолиш учун шу вазиятдан ҳам фойдаланишган экан шоввозлар.

Ёнимда сўм йўк, валюта алмаштиришга улгурмагандим. Опанинг ўзи мен учун пул тўлаб юборди. Қолганлар пул тўлаб кирди. Презентация бошланди.

Шу презентация шаклини кейинчалик деярли ҳар бир биодобавка сотадиган тармоқли маркетингчиларда кузатдим.

Биттаси чиқади, ўз ҳикоясини айтади, ҳикоясига кўра Гербалайфдан аввал деярли ўлим ёқасидаги касал бўлади, Гербалайф маҳсулотларини ичгач тuzалган бўлади ва ўзида натижа кўргани учун шу ажойиб маҳсулотни бошқаларга ҳам етказишни ўз бурчи қилиб белгилаб олган бўлади. Экранда ўша нотикнинг аввалги 150 кг лик, бир аҳволдаги расми ва ҳозирги ҳолати таққосланади.

Ҳайрон қолган жойим, 10 тача нотик чиққан бўлса, уларнинг барчасида айнан бир хил ҳикоя такрорланди. Ҳаммаси бир ўлимдан қолган, ҳаммаси 100-150 кг бўлган, ҳаммаси Гербалайфнинг “сеҳрли” маҳсулотлари билан гўзал ҳаётга қайтган. (Ичимда буларга наҳотки бирорта соғлом одам ишга келмаган бўлса деган ҳаёллар ўтди).

Инсоннинг ичини чойнак билан

таққослашди. Чойнакка тинимсиз чой куйилиб, бўшатилавергандан кейин чойнакнинг ичи қорайиб кетишини, уни махсус химикат билан тозаласан бўлмаслигини айтиб, “сизларнинг ичингиз ҳам шундай бўлиб ётибди, Гербалайф буни тозалайди, бўлмаса бир неча йилда бизнинг аввалги ҳолимизга борим қолишинлар ҳам ҳеч гап эмас” дейишди.

Ундан кейин экранда Женнифер Лопес, Майкл Жексон каби дунё миқёсидаги Юлдузлар иштирок этган банкетлар намойиш этилди. “Бу банкет ва байрамлар бизнинг фа-



лон даражадаги директорларимиз учун ташкиллаштирилган. Сиз ҳам шулар даврасида бўлишингиз мумкин”, деган гаплар билан йиғилганларни ҳаяжонлантиришди.

Буларнинг ҳаммаси моҳирона танланган сўзлар, скриптлар ва психологик трюклар билан амалга оширилдики, йиғилганларнинг кўпчилиги таъсирланмай қолмади.

Нью Йоркдаги банкет орзусида, ҳаёлида миллионерга айланиб улгурган инсонларга аввал ўзлари маҳсулотлардан бир курс фойдаланиши, кейин бошқаларга сотиши учун тахминан 300 долларлик маҳсулот олиш таклиф қилинди.

Биртадбирдақўрқитиш ҳам, ёлғон мисоллар, ўринсиз таққослашлар ҳам, инсоннинг орзу-ҳаваси билан ўйнашиш ҳам, ёлғон ваъдалар ҳам бўлди.

Тармоқ маркетинги нима, пирамида усулидаги сотув нималигини билмаган, бирор жойда ишламаган соддалар кўпчилик эди. Бир нечтаси ўша кунги тадбир қурбонига айланишди.

Тадбирдан кейин чиқиб кетаётганимда ҳалиги опа “компаниямизга қўшиласизми?” деди. Рад жавобини бердим. Бир оз баҳслашдик, мени

ишонтира олмади ва мен кетдим.

Орадан йиллар ўтди. Меҳмонхонада ишлаб юрган давримда бир нотаниш компания конференц-зални ижарага олди. Тадбирдан хабар олиш учун чиққанимда яна ўша таниш “собик касаллар”ни кўрдим. Зални ижарага олган компания ўша Гербалайфнинг янги очилган фирмаси бўлиб чиқди. Ўша опани яна кўрдим. Бизга биринчи учрашувда бойиб кетишимиз учун айрилган муддат аллақачон ўтиб кетган бўлса-да, биз мабодо ишга кирган бўлганимизда биздан юқорида турган бўлиши керак бўлган ўша “собик касаллар” ҳали ҳам ҳаётда айтарли бир

тоифадагиларни содда, гўллар десак, иккинчи тоифадагиларни инсофсиз деб атасак тўғри бўлса керак.

Тармоққа янги қўшилган одамнинг савдосидан уни тармоққа қўшган одам ва ундан ҳам тепадагилар фойда кўриб турадиган бизнесларнинг барчаси тармоқли маркетингдир.

Баъзилар “тармоқли маркетинг бу пирамида эмас” дейишади. Молиявий пирамида ва тармоқли маркетингдаги пирамида усулидаги сотишнинг фарқи шуки, молиявий пирамидада маҳсулот бўлмайди. Маҳсулот ўрнида “қимматли қоғоз” ёки бирор компаниянинг акцияси бўлиши мумкин. Тармоқли маркетингда эса маҳсулотдан фойдаланилади.

Тармоқли маркетинг бизнесига қўшилиб қолиш худди кимордан ютқизишга ўхшайди. Қиморда ютқизган одам ютқизган пулини қайта қўлга киритиш учун жонини бериб ҳаракат қилгани каби тармоқли маркетингга бошида бир неча юзлаб доллар пул тиккан одамлар ҳам пулига куйиб қолишни истамайди. Шу йўлда керак бўлса энг яқинларини ҳам тармоққа аъзо қилади.

“Бир зумда ўз бизнесингизга эга бўлинг! Фалон даражадаги директорга айланиб, Дубайда маза қилиб дам олиб юринг!” деган баландпарвоз гапларга алданманглар. Тармоқли маркетинг ўлжасига айланманглар ва яқинларингизни уларнинг домига тортманглар.

Албатта, бу мақола шу ишларга аралашиб қолганларга ёқмайди. Изоҳларда табиий равишда эътирозлар билдиришлари мумкин. Мен сизларни тушунаман. Пулингиз куйган. Бу вазиятдан чиқиб кетишингиз керак. Ёки бошқаларни ўзингизнинг изингиздан тортиб, уларнинг устидан фойда кўриш сизга маъқулдир. Аммо, бу йўл тўғри йўл эмас!

Туркларда “Зарарнинг қаеридан ортга қайтсанг ҳам – фойда” деган мақол бор. Зарарни бошлаб қўйган бўлсангиз, ундан кейинги зарарга қараб кетаверманг. Тўхтаг. Агар бошламаган бўлсангиз, зарарни бошламасдан аввал тўхтаг! Ақлингизни ишлатинг. Яқинларингизни огоҳлантиринг!

Дилшод ОДИЛОВ





# НОЧОРЛИКНИ НИҚОБ ҚИЛГАНЛАР

**Мамлакатимизда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатилиши билан бирга, уларга жамиятда қабул қилинган ҳуқуқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чоратadbирлар ҳам амалга оширилмоқда.**

Ижтимоий тармоқларда икки нафар вояга етмаган фарзанди билан Тошкент шахрининг гавжум кўчаларида одамлардан кўмак сўраб юрган аёл ҳақидаги маълумотлар кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлди.

Шу куннинг ўзида Тошкент шаҳар Оила ва хотин-қизлар бошқармаси, Юнусобод ва Бектемир тумани мутасаддилари вазиятни ўрганди. Фуқаро Бектемир тумани “Нурафшон” маҳалласида вақтинчалик рўйхатсиз истикомат қилаётгани, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат йўқолиб қолгани маълум бўлди.

Тошкент шаҳар Оила ва хотин-қизлар бошқармаси матбуот хизмати томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, аёлга бу борада ҳуқуқий ёрдам бериш ишлари бошлаб юборилган.

Шахсини тасдиқловчи гувоҳнома олинishi билан ишга жойлаштириш режалаштирилган. Унга вақтинчалик рўйхатга олишда ҳам ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади. Аёлнинг бундан кейинги оилавий шароити, соғлиги, шунингдек, фарзандларининг аҳволи Бектемир тумани ҳокимлиги Оила ва хотин қизлар бўлими ва маҳалла фаоли томонидан доимий назоратга олинди.

Уларнинг бандлигини таъминлаш, уй жой билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилиш учун манфаатдор идора ва ташкилотлар, ҳудудий ҳокимликлар

билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, кимдир ҳаёт синовлари билан ночор ва ноқулай вазиятларга тушиб қолса, албатта кенг жамоатчилик, масъуллар томонидан унга кўмак берилади. Фалокат, эҳтиётсизлик туфайли соғлигини йўқотиб, ўзгалар эътибори, меҳри, саховати ва қаровига муҳтож бўлганлар бор. Бундай инсонларга бугун ҳукуватимиз томонидан “Саховат”, “Меҳрибонлик”, “Муруват” уйларида кўмаклашилмоқда.

Аммо тани жони саломат бўла туриб, тиланчиликни касб қилиб олаётганлар учраётгани ачинарли ҳол.

Мамлакат қонунчилигида тиланчилик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик масаласи белгиланган бўлсада, ушбу нормага амал қилмай, жамоатчилик кайфиятига салбий таъсир этиш ҳолатлари учрамоқда.

Гавжум йўл юзаларида тиланчилик мақсадида ёш болалардан фойдаланиш ҳолатлари йўл қатнов қисмида уларнинг ҳаётига хавф солиши турган гап. Камига бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаётини ҳам таҳликага солади.

Таъкидлаш лозимки, тиланчилик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни жорий этишни кўзда тутувчи қонун мавжуд.

Аэропортларда, вокзалларда, хи-

ёбонларда, истироҳат боғларида, бозорларда ва савдо мажмуалари ҳудудларида, шунингдек, уларга таташ ҳудудларда, автомобилотransпорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида, кўчаларда, стадионларда, бекатларда, йўлларнинг қатнов қисмида, моддий маданий мерос объектлари жойлашган ҳудудларда, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида пул, озиқовқат маҳсулотлари ва бошқа моддий қимматликлар беришни фаол тарзда сўраб, тиланчилик билан шуғулланиш ЭКИХнинг 1 бараваридан 3 бараваригача миқдорда жарима солишга ёки 15 суткагача муддатга маъмурий қамокка олишга сабаб бўлади.

Маъмурий жазо қўлланилганидан кейин яна содир этилса, 240 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Машойихлар айтганидек: “Хоҳлаб турган нарсангдан беҳожат бўл, унинг тенги бўласан. Хоҳлаган нарсанга муҳтож бўлсанг, унинг асири бўласан. Хоҳлаганингга яхшилик қил, амири бўласан”. Бировга қарам, муте бўлишдан, одамлардан тама қилишдан сақланайлик.

**Муҳайё ТОШҚОРАЕВА**

## Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси  
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

**Бош муҳаррир**  
**Мақсуд ЖОНИХОНОВ**

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.  
“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:  
Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-608  
Адади: 1507.

Пайшанба куни чиқади.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.  
Баҳоси келишилган нархда.  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида  
2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

**Навбатчи:**  
**Муроджон РАҲМАТОВ**

Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри  
Матбуотчилар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар:  
(71) 233-72-77,  
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта:  
jamiyat@mail.uz  
Газета индекси — 131  
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти:  
20:00

1 2 3 4 5 6

## “Чорбоғ”нинг нурли кунлари

**Нуробод тумани ҳудудининг асосий қисмини сервикор тоғлар, сўлим боғлар, бепоён яйловлар ташкил этади. Шундай тоғларга, боғларга туташ, чўллар бағрига сингиб кетган кўплаб қишлоқлардаги ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари аҳоли қалбига қувонч солмоқда, уларга яратилаётган қулайликларни оширмоқда, янги иш ўринлари барпо этилишига йўл очмоқда.**

Яқингинада тумanning энг йирик қишлоқларидан бири Жом билан тоғлар бағридаги Чўнкаймишни боғловчи 10 километрдан ортик бўлган автомобиль йўли қурилиб, фойдаланишга топширилганди. Эътиборлиси, йўл қурилиши ишларига бевосита вилоят ҳокими Эркинжон Турдимовнинг шахсан ўзи бошчилик қилди. Вилоят ҳокими тоғ қишлоғида бўлиб, бу ерда аҳоли билан суҳбатлашди, мавжуд вазиятни ўрганди. Натижада, йўл ва яна бир қатор соҳалар билан боғ-

лик муаммолар ечими топилди.

Бир неча кун аввал эса Жом қишлоғининг файзли бир боғ қисмида яна бир қувончли воқеа бўлди. Тегирмонбоши маҳалласига тегишли ҳудудда, тadbиркор Зубайдулла Ёкубов саъй-ҳаракати билан “Чорбоғ тиббий кўмак” деб номланган тиббиёт маркази барпо этилди. Марказнинг асосан физиотерапия йўналишида эканлиги қишлоқ одамларини қувонтирди. Tadbир қатнашчилари тиббиёт маркази, келтирилган замонавий

тиббиёт аппаратлари, жиҳозлари билан танишди.

Tadbирда туман ҳокими Шерали Йўлдошев сўзга чиқиб, тиббиёт марказининг порлоқ келажаги, бу ерда аҳоли учун яратиладиган қулайликлар, жомлик тadbиркорларнинг амалга ошираётган ишлари ҳақида гапириб, янги тиббий марказ ишига муваффақият тилади.

Абдуфаттоҳ хожи Турсунов, Эштурди Раҳимов, Саид Усмонов, Қаюм Турғонов, Эшмурод Худойназаров, Ўктам Шуқуров, каби меҳнат фахрийлари янги тиббиёт марказининг қишлоқ аҳолиси учун беминнат хизматчи бўлиб қолишига ишонч билдиришди.

**Ўктам САТТОРОВ**



# СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДАГИ ТАМАГИРЛИК

## ёхуд қачонгача

## томошабин бўламиз?

Кўшним кечкурун 3 яшар боласини авзойи бузилганича етаклаб “дом”нинг йўлагига яқинлашди.

— Ҳафиза опа, нега кайфиятингиз йўқ, — дея салом-алиқдан сўнг қайта юзландим кўшнимга.

— Э-э, сиз сўраманг, мен айтмайин, — қандайдир нохушлик ҳақида сўзламоқчи бўлди опахон. Мен эса ичим “қизиганидан” чидай олмадим:

— Тинчликми ўзи, ишқилиб?

Бир оз тин олган опанинг ҳасрат сандиғи очилиб кетди.

— Зафарни поликлиникага олиб борган эдим. Иссиғи ҳам, томоғининг оғриғи ҳам тинчлик бермаётган эди. Уйда бор дори-дармонлардан берсам ҳам наф қилмади. Поликлиникадаги врач таъмагир экан. Нима дейди денг: “Болангиз соғайишини истасангиз, эҳсон ҳам қилиб туришингиз керак!” Мен унга атаганимни чўзсам, тез таъсир этувчи, қиммат дори-дармонлардан фойдаланиб боламни тезда соғайтириб қўярмиш. Аслида, “тез ёрдам”ни чақирганимда шифокор тезда болани порликлиникага олиб боришимни айтиб, укол қилиб кетганди. Улар кетгач, Зафарнинг холи бир оз енгиллашди. Кейин поликлиникада бўлди ва ... мен таъмагир врачга эҳсон қилишим шарт экан.

Ҳафиза опа бугунги поликлиника “хангома”ларини узоқ сўзлади.

Айтишчи, поликлиникадаги врач билан “келишолмагач”, яқин атрофдаги хусусий шифохонага кирибди. Хусусий барибир хусусий-да, керакли тўловни амалга оширгач, Зафарни дархол махсус жиҳозланган хонага олиб кириб текширишибди. Зум ўтмасдан аввал дори беришибди, сўнгра иккита уколдан сўнг болакай юшоқ ўринга ётқизишибди. Икки соатдан сўнг бола “отдек” бўлиб ўрнидан турибди.

Ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига таъмагирлик, порахўрликдек захарли иллат кириб борган. Юқоридаги воқеанинг шифо масканида содир бўлгани ҳам ҳақиқат. Негаки, соғлиқни сақлаш тизимида порахўрлик, таъмагирлик — коррупция шундай илдиз отганки, бирон нарса эҳсон қилмасангиз ишингиз битмайди. Ўзингиз ёки яқинингиз дард билан олишиб турганда кимнинг кўзига пул кўринади?!

Бундан икки ой муқаддам келинкойм фарзандлик бўлди. Чақалоқни “кесерово” усулида жаррохлик йўли билан дунёга келтиришди. Очиғи, ота-онам анчагина харажатга ботишди. Шунда ўша туғу-

руқхонанинг ҳамма кириб-чиқадиган, кўзга кўринарли жойига осиб қўйилган қуйидаги сўзларга кўзим тушди: “Туғуруқхонамизда барча хизматлар, дори-дармонлар бепул. Маъмурият”. Қуйида эса таъмагирлик ҳолатига дуч келсангиз, юқори тиббиёт ташкилотлари, ҳаттоки Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳам ишонч телефонлари орқали мурожаат этиш мумкинлиги эслатиб ўтилган.

Билмадим, бу телефонлар орқали ўша маҳкамаларга кимлар мурожаат этиб, мушқулини осон қилишлари мумкин? Бошқаларни билмадим-у, шахсан ўзим бундай телефонларга мурожаат этиб, мушқулини осон этганларни учратмадим.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши давлат миқёсидаги шундай ҳаракат бошланмоқдаки, беихтиёр яқин келажакда бу иллатдан халос бўлсак қанийди, деган фикр хаёлга келади. Ҳар бир меҳнат жамоасида коррупцияга қарши ички тизим йўлга қўйилиши расман эълон қилинди. Энди коррупция ортидан кун кўрадиганларнинг холи не кечаркан?

Бежиз коррупцияга қарши кураш тизими жорий этилаётгани йўқ. Эътибор берсангиз, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда кунда-кунора қайсидир мансабдорнинг фалон минг доллар билан қўлга тушганига гувоҳ бўласиз. Бу иллат айниқса, халқ таълими, олий

таълим, давлат-бошқарув тизими, банк соҳаси, савдо, хизмат кўрсатиш, транспорт соҳасининг барча йўналишларида чуқур илдиз отганлигини ҳеч ким инкор этмаса керак. Йўқса, муаммонгизни ҳал этишга бел боғлаган таъмагирлар қаршигизда пайдо бўлармиди?

Яқинда бир танишим шифохонага ҳамшира ёки шифокор сифатида эмас, оддий фаррош бўлиб ишга кирмоқчи бўлганида қайсидир “ўртакаш” 500 доллар “хизмат ҳақи”ни талаб қилибди! Очиғини айтганда, жамият, давлат ва ҳаётимизнинг барча жабҳаларини порахўрлик илллати ўргимчак тўри каби ўраб олаётганига кўпчилик томошабин бўлиб турибди. Балки, бу эътиборсизлик ва лоқайдликнинг ҳам сабаби бордир. Баъзан бош кўтармоқчи бўлсангиз, шундай қўллар оёғингизни чирмаб, бошингизни эгиб қўядики, ноиложликдан “айбингиз”ни тан олишга мажбур бўласиз. Коррупцияга қарши курашни томошабин сифатида кузатишни ёқтирамыз ва кузатишимиздан хулосамиз шундай бўлади: “...ни фалон минг доллар билан қўлга туширишибди”. Ҳолбуки, бундай ҳолат юз бермаслиги мумкин эди. Фақат сиз ва биз томошабин бўлиб турмасак...

Гулиҳумо МАЖИДОВА,  
Шарқий ҳарбий округ матбуот  
хизмати журналисти

## ИПАКЧИЛИК МАЛИКАСИ



Пилламиз – тилламиз дея бежизга айтилмаган. Ипакчилик йўлида фидокорона меҳнат қилаётган кумуш тола иждокорлари юртимиз доврўғини олис - олисларга тараннум айламоқда. Худди шундай, Санобар Жўраева ҳақида гап кетганда пискентликлар Худди шундай. Боиси, Санобар ая салкам ярим асрлик умрини, ҳаётини пиллачиликка, ипакчиликка бағишлади.

“Қишлоқ хўжалиги фидойиси” кўкрак нишон схибаси Санобар Жўраева ҳамон пиллакорлар ёнида. Улардан маслаҳатини аямайди, ҳамша шоғирдлари даврасида. Очиғини айтганда, нафақат Пискент туманида, балки Тошкент вилояти пиллакорларининг фаҳрига айланиб улгурган Санобар аянинг иш тажрибаси бугун пиллачилигимизда жуда қўл келмоқда.

Сарварбек Мамиров, Ҳайдар Аҳмедов, Ақром Ҳошимов, Лола Ғанибоева, Дилафруз Ҳолиқулова сингари мутахассис — пиллакорлар Санобар аяни ўзларига устоз деб билиб, доимо маслаҳатларига амал қилишади.

Ана шундай шижоатли пиллакорларнинг бу йилги ҳосили ҳам чакки бўлмади. Пискентнинг захматкаш пиллакорлари 147,7 тонналик кумуш тола хир-

монини уйиб, Тошкент вилоятида пешқадамлардан бирига айланди. Мавсум давомида 2570 кути ипак куртини зарур агротехника қодалари асосида парваришлаб қутилган натижага эришилди. “JINJUZ SILK CO”МЧЖ билан тузилган йиллик пилла етиштириш режаси 101,7 фоизга уддаланди.

Пиллакорларнинг меҳнат зафарларида “Раҳматжоновна Сарвиноз” (986 кг), “Ибодуллаев Ҳайдарали” (560 кг), “Отакўзиев Нурали” (450 кг) фермер хўжалиги пиллакорларининг ҳиссаси салмоқли бўлди. Мавсумда биринчилардан бўлиб барака ҳосилини топширган Суёнбой Абдурахмонов, Наби Оққулов, Дилбар Норматова сингари касаначилар эришган юксак натижа пиллакорларга намуна бўлди. Туманда пилла топшириш қизгин давом этяпти.

Ашуралӣ БОЙМУРОД

Пилла - 2022